

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2022 йилда амалга оширган ишлари юзасидан**

**АХБОРОТ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси<sup>1</sup> 2022 йилда ўз фаолиятини – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари ва зиммасига юклатилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури ҳамда Комиссиянинг 2021 йил 29 декабрдаги 1158-сон ва 2022 йил 13 июлдаги 1176-сон қарорлари билан тасдиқланган Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ва иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаларига асосан, қуйидаги устувор йўналишлар бўйича ташкил этди ва амалга оширди:

1) умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини, сайлов комиссиялари тизимини янада такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, МСК Котибиятининг тузилмасини мақбуллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;

2) Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш;

3) Марказий сайлов комиссияси фаолияти ҳамда сайлов ва референдум жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинишни такомиллаштириш;

4) сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ҳамда халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

5) Ўзбекистон Республикаси референдумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда референдум ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

6) маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ва 2022 йилдаги устувор вазифаларидан келиб чиқиб, 2022 йилга (биринчи ва

---

<sup>1</sup> Матнда “Марказий сайлов комиссияси” ўрнига “Комиссия” ва “МСК” қисқартмалари ҳам қўлланилади.

иккинчи ярим йиллик) мўлжалланган жами **90 та банддан** иборат Тадбирлар режасининг ижроси таъминланди.

Комиссиянинг 2022 йилда 22 та мажлиси ўтказилиб, кун тартибидаги масалалар бўйича 40 та қарор қабул қилинди. Комиссия мажлисларида унинг ваколатига оид – халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини, шунингдек, сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини ўрганиш натижалари; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ваколатини муддатидан илгари тугатиш, Олий Мажлис Сенати аъзосини сенаторлар рўйхатидан чиқариш, бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзосининг сайловини ўтказиш ва янгидан сайланган сенаторларни рўйхатга олиш; сайловлар ва референдум жараёнларини ҳамда референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини тартибга солиш; сайлов ва референдум ташкилотчиларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш концепциясини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

МСКда кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, ходимларни хизмат сафарига юбориш ва ваколатга доир бошқа масалалар юзасидан Комиссия раисининг 165 та фармойиши қабул қилинди.

**I. Умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини, сайлов комиссиялари тизимини янада такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, МСК Котибиятининг тузилмасини мақбуллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш йўналиши.**

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида”ги қонуни нормаларининг ўзаро мувофиқлиги, шунингдек халқаро сайлов стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, бўшлиқларни тўлдириш мақсадида “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа асосида 2022 йил 16 июнда ЎРҚ-779 сонли Қонун қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси референдумини юқори даражада ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилган қуйидаги низом ва йўриқномалари ишлаб чиқилди ва Комиссия томонидан тасдиқланди:

- Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги низом;

- Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низом;

- Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

- Ўзбекистон Республикасининг референдумида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом;

- Референдум даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом;

- Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.

Ўзбекистон Республикасининг референдумига доир Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари Комиссиянинг расмий веб-сайтида ҳамда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz расмий веб-сайти)да жойлаштирилди.

Референдумда овоз бериш бюллетени шакли ва уни тўлдириш тартибини такомиллаштириш, умумхалқ овози жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини тўлақонли билдириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур лойиҳа асосида 2022 йил 26 октябрда ЎРҚ-796 сонли Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 28-банди ижросини таъминлаш, Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, шунингдек сайлов комиссиялар тизимини мақбуллаштириш ва марказлашган сайлов органлари тизимини шакллантириш, уларнинг профессионал тайёргарлигини таъминлаш мақсадида: **“Ўзбекистон Республикаси сайлов комиссиялари тизимини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг лойиҳаси ҳамда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар бўйича қонунчиликка мувофиқ келишувлар амалга оширилди ва кўриб чиқиш учун киритилди.

Миллий сайлов қонунчилигини умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида янада такомиллаштириш ҳамда сайлов ва референдум жараёнларида фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”даги Қонунига шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий нормаларни киритишни назарда тутадиган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мутасадди вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказишда ягона ҳуқуқий амалиётини қўллаш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг намунавий регламенти лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун электрон шаклда ҳудудларга юборилди.

Ҳисобот даврида Комиссияга Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тақдим этилган куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди ва улар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг хулосалари ўрнатилган тартибда тақдим қилинди:

1) “Одил судловга эришиш даражаси янада юксалтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

2) “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

3) “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси;

4) Ўзбекистон Республикаси “Жиноят-процессуал кодекси”нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси;

5) Ўзбекистон Республикаси “Жиноят кодекси”нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси;

6) “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси;

7) “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

8) “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

9) “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг лойиҳаси;

10) “Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

11) “Халқ депутатлари Кенгашига сайлов жараёнлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;

12) “Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пастдарғом, Тойлоқ туманлари ва Самарқанд шаҳри мавжуд маъмурий-ҳудудий чегараларини ўзгартириш, Самарқанд шаҳри таркибида Қорасув, Суғдиёна, Сиёб, Боғишамол, Мароқанд туманларини ташкил қилиш ҳамда Самарқанд туманини тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг қарорлари лойиҳаси.

**II. Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш йўналиши.**

Ҳисобот даврида Комиссия фаолиятининг очиқлигини, сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш жараёнида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашга, мамлакатда бўлиб ўтадиган сиёсий тадбирларга аҳолининг ишончини оширишга, сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари билан узвий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2021 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови – 2021, Янги Ўзбекистон-Янги имконият” номли китоб тайёрланиб, нашрдан чиқарилди ва тасдиқланган тақсимот асосида сайлов ташкилотчиларига, Марказий сайлов комиссиясининг маҳаллий ва хорижий ҳамкорларига, эксперт ва мутахассисларга тақдим этилди.

Комиссия Матбуот хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида **“Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш концепцияси”** ишлаб чиқилди. Матбуот хизмати 2022 йилда ўз фаолиятини ушбу концепцияга мувофиқ амалга ошириши натижасида Комиссия фаолияти очиклигининг таъминланиши, сайлов тизими ҳамда сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ташкил этиш жараёнларининг кенг ёритилиши, шунингдек, жамоатчилик билан алоқалар янада мустаҳкамланишига эришилди.

Ўзбекистонда ўтказиладиган референдумда иштирок этиш истагида бўлган маҳаллий ва хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари Сайлов кодекси ва халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациядан ўтказиш механизмлари, муддатлари ва тартиби белгиланган **“Ўзбекистон Республикасининг референдумида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”** лойиҳаси тайёрланди ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил 30 августдаги 1185-сонли қарори билан тасдиқланиб, расмий эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтига Комиссия аъзолари, Котибияти бўлимларининг ходимлари томонидан маълумот ва ахборотларни жойлаштириш тартиби ва механизмларини ўз ичига олган **“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти тўғрисидаги низом”** ишлаб чиқилди ва Комиссия Раисининг фармойиши билан тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига доир туркум материалларни ишлаб чиқишда, шунингдек мамлакатимизда бўлиб ўтган сайлов ва референдум жараёнларининг хронологияси, ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун тайёрланадиган аудио, видео ва бошқа ахборот материалларида фойдаланиш мақсадида – Марказий сайлов комиссиясининг архивида ҳамда бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг архивларида сақланаётган Ўзбекистонда ўтказилган сайлов ва референдумлар жараёнларига оид — 2005-йилдан 2021-йилгача бўлган даврни қамраб олган 6 700 дан ортиқ видео, 7 200 дан ортиқ аудио ҳамда 36 000 дан ортиқ суратлардан иборат материаллар медиатекаси шакллантирилди. Матбуот хизмати томонидан сайловлар тарихига оид **“Сайлов: кеча ва бугун”** номли ҳужжатли фильмни тасвирга олишда ушбу материаллардан кенг фойдаланилди. Мазкур ҳужжатли фильмни тасвирга олиш ишлари якунланиб, жорий йилда тақдимотини ўтказиш режалаштирилди.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятидан, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб бориш мақсадида Матбуот хизмати томонидан 2022 йилда

Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтига 40 та, ижтимоий тармоқ саҳифаларига 1 933 та маълумотлар жойлаштирилди. Хусусан:

- **МСК расмий сайтига** 80 та пресс-релиз, 500 та фотоматериал, МСК фаолиятига доир 15 та аудио-видео роликлар;

- **YouTube** видео ҳостингида – 60 та видео; **Facebook** ижтимоий тармоғида – 447 та; **Instagram** ижтимоий тармоғида – 378 та; **Telegram** мессенжерида – 626 та; **Одноклассники** ижтимоий тармоғида – 230 та; **Twitter** ижтимоий тармоғида - 60 та материал жойлаштирилди;

- маҳаллий босма нашрларда 23 та, Республика телерадиоканалларида 41 та, **“Uz”доменида** фаолият кўрсатувчи веб-сайтларда ҳамда ижтимоий тармоқларда – 100 га яқин материал эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ёритишда инновацион усулларни қўллаш натижасида илк мартаба Марказий сайлов комиссияси веб-сайтида **«Мажлислар: жонли эфир»** рукни яратилиб, Комиссия томонидан ўтказилган саккизта йиғилиш **YouTube** платформаси орқали жонли эфирда тўғридан-тўғри узатилди; Матбуот хизмати томонидан ишлаб чиқилган янги лойиҳалар **“Форматдан ташқари”** кўрсатувининг **7 та сони**, ижтимоий сўровнома тарзидаги **“Шарҳ+”** кўрсатувининг **4 та сони YouTube** платформаси орқали эълон қилинди. Жумладан, **“Форматдан ташқари”** кўрсатувининг махсус сонида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси делегациясининг 2021 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Миссияси раҳбари Оуэн Мерфи иштирокида суҳбат ташкил этилди.

Матбуот хизмати томонидан Комиссия фаолиятининг ёритилиши ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган Конституциявий ислоҳотлар самарадорлиги юзасидан кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида – **Telegram мессенжерида** 2022 йил 17 майда махсус саҳифа яратилиб, ушбу саҳифага Конституциявий ислоҳотлар жараёнига оид ахборот маконидан тўпланган маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. *(Маълумот учун: 2022 йил 30-декабрь ҳолатига 1 600 дан ортиқ материал жойлаштирилган).*

Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтида **“Очиқ маълумотлар”** рукни ташкил этилди. Мазкур рукнда комиссия фаолиятига оид: “Молиявий ҳисоботлар”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллик иш режасининг 1-чорақдаги ижроси юзасидан ахборот”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишлари юзасидан ахборот”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси” каби муҳим маълумотлар жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида Матбуот хизмати томонидан – “Сайловлар ва референдум жараёнларида сайлов қутиси ҳамда кўчма сайлов кабиналаридан

фойдаланиш, уларни сақлаш ва шикастланишлардан химоялаш тартиби” ҳақида инструктаж видеоролик; “Сайловлар ва референдум жараёнларида сайловчилар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)дан ўрин олган “Яшаш жойидан рўйхатдан ўтган шахслар ҳақида маълумот олиш” хизматидан фойдаланиш тартиби” тўғрисида анимацион видео-ролик; “Референдум ўтказувчи комиссия аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида ўтказилган ўқув тренинглари учун 4 та қўлланма видеороликлар тайёрланди ҳамда YouTube платформасига жойлаштирилди.

### **III. Марказий сайлов комиссияси фаолияти ҳамда сайлов ва референдум жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни такомиллаштириш йўналиши.**

Ҳисобот даврида Комиссия фаолиятига ҳамда сайловлар ва референдум жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу тизимда шакллантирилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, камчиликларни бартараф этиш орқали келгусида ўтказиладиган сиёсий тадбирларда сайловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, бир сайловчининг фақат битта сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда 2019, 2021 йилларда бўлиб ўтган Парламент ва Президент сайловларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнларида Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимида (СЖБАТ) ҳамда Сайловчилар ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланишда юзага келган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасига кўра аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича Марказий сайлов комиссияси Раисининг фармойишга асосан Комиссия ҳузурида СЖБАТнинг самарали ишлаши ва камчиликлардан ҳоли бўлган СЯЭРни шакллантирилишига масъул бўлган вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳи томонидан СЖБАТ ва СЯЭРга тааллуқли бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси хатловдан ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра **таҳлилий маълумот** ҳамда СЖБАТни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида:

- “Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг лойихаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини юритиш ва уни

долзарблигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қонунчиликда белгиланган тартибда мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш юзасидан Марказий сайлов комиссияси веб-сайтини такомиллаштириш бўйича **техник талаб** тайёрланди ва унга асосан дастурчилар билан ҳамкорликда веб-сайтнинг янги версияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунига асосан, Марказий сайлов комиссиясининг **Ахборот хавфсизлиги сиёсати** ишлаб чиқилди ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда ижрога қаратилди. Натижада, Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга эришилди.

Референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларининг (операторлар) СЖБАТ ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида:

- **30 нафар** республика ва **600 нафар** ҳудудий тренерлар таркиби шакллантирилди ва улар учун Марказий сайлов комиссияси ҳамда “UNICON.UZ” ДУК мутахассислари ҳамкорлигида икки кунлик дастурга асосан ўқув-семинарлари ташкил қилинди. Натижада, республика ва ҳудудий тренерлар томонидан Референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолигига номзод **22 000** нафардан зиёд операторларнинг СЖБАТда ишлаш ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш ва кўникмаларини мустаҳкамлаш бўйича семинар-тренинглари ўтказилди.

“Saylov-2021” мобил иловаси асосида “Referendum-2022” мобил иловаси такомиллаштирилди ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзолари учун зарур маълумотлар ўзбек тилида (кирил ва лотин алифболарида), рус ва қорақалпоқ тилларида иловаларга киритилди. Шунингдек, СЖБАТ дастурини амалдаги сайлов ва референдум қонунчилигига мослаштириш мақсадида, тизимда “**Референдум модули**” яратилди. Бу эса, СЖБАТдан фойдаланувчилар, сайлов ва референдум иштирокчилари ва комиссия аъзолари учун янада қулай имконият ва шароитлар яратди.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида овоз берувчиларнинг электрон рўйхатидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳар бир сайловчининг ўзи истиқомат қиладиган сайлов ва референдум участкасининг референдумда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилишини таъминлаш мақсадида СЖБАТда референдум участкаларига тақсимланмаган фуқароларни референдум участкаларига бириктириш бўйича ваколатли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан**

**фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича йўл харитаси** ишлаб чиқилди ва ижрога қаратиш учун тақдим этилди.

**IV. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш йўналиши.**

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни атрофлича ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ўрнатилган ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2022 йил 14 октябрда Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан ишлаб чиқилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатлар сайлов органлари раҳбарларининг Маслаҳатлашув Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги Битим имзоланди. Маслаҳат Кенгаши МДҲга иштирокчи давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятлари доирасида сайлов ва референдум ўтказиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларда сайлов жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилмоқда. Мазкур Битимни тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритилди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари 2022 йилда хорижий давлатларда (Беларусь, Туркменистон, Қозоғистон, Латвия, Босния ва Герцеговина, Филиппин ҳамда Венгрия) ўтказилган президент, парламент сайловлари ва референдумларда хорижий мамлакатларнинг сайлов органлари таклифига биноан олти марта, МДҲ миссияси таркибида тўрт марта, МДҲ ПА миссияси таркибида бир марта, ШХТ миссияси таркибида тўрт марта ҳамда ЕХҲТ ДИИХБнинг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси таркибида уч марта халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этди.

Ташриф доирасида хорижий давлат сайлов органлари раҳбарлари билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор учрашувлар ва мулоқотлар ўтказилди. Жумладан, Беларусь Марказий сайлов комиссияси раиси И. Карпенко ва МСК котиби Е. Балдовская, Туркменистон Сайлов ва референдумлар ўтказиш марказий комиссияси раиси Г. Мурадов, Филиппин сайлов органи раиси Саидамен Пангарунган, Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси К.Берзинья, Қозоғистон Республикаси МСК раиси Н.Абдиоровлар билан сайлов соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида келишиб олинди.

Шунингдек, МСК вакиллари Ҳиндистон Республикасида ўтказилган парламент сайлови, Жанубий Корея Республикасида ўтказилган Президент

сайлови ҳамда Малайзияда ўтказилган 15-умуммиллий сайловларда масофавий тарзда (онлайн шаклда) халқаро кузатувчи мақомида иштирок этди.

Хорижий давлатларда ўтказилган референдум ва сайловларда иштирок этган Ўзбекистон делегацияси вакиллари ушбу мамлакатларнинг сайловларни режалаштириш, сайловчиларни мобил телефонлар ёрдамида онлайн рўйхатга олиш, сайлов жараёнларини замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этиш каби илғор тажрибаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

### **Марказий сайлов комиссияси вакиллари:**

- Марказий сайлов комиссияси ва Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) ҳамкорлигида 2022 йил февраль–март ойларида ўтказилган **“Тенг ҳуқуқлик: имконияти чекланган шахсларнинг сайлов жараёнларида иштироқи”, “Сайлов жараёнларини бошқариш”, “Сайлов соҳаси бўйича етакчилик”** мавзусидаги ўқув тренингларда тўғридан-тўғри, **“Имконияти чекланган сайловчиларни сайловга янада самарали жалб этиш бўйича қўшма чора-тадбирлар”** мавзусидаги онлайн шаклдаги конференцияда;

- Парламент тадқиқотлари халқаро маркази (ICPS) ҳамда Европа сайлов ташкилотчилари уюшмаси томонидан ўтказилган **“Сайловларни ташкил этиш ва уларни ўтказишдаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари”**га бағишланган тўртта онлайн давра суҳбатларида;

- Ҳиндистон демократия ва сайловларни бошқариш халқаро институти (IIDEM) ва Ҳиндистон сайлов комиссияси томонидан ўтказилган **“Сайловларни режалаштириш”** мавзусидаги ҳамда Прагада ўтказилган **“Сайловларда аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича минтақавий Европа тармоғи (RENEWWE)”** мавзусидаги ўқув-семинарларда;

- Кейптаун (ЖАР)да бўлиб ўтган БСОАнинг 5-Бош Ассамблеясининг кенгайтирилган йиғилишида;

- Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида “МДҲнинг демократик сайловлар стандартлари тўғрисидаги Конвенцияси: халқаро ҳамкорлик учун очиқ майдон” мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда;

- Бишкек шаҳрида (Қирғизистон) ЕХХТ ДИИХБнинг “ЕХХТ ДИИХБ тавсияларини амалга оширишнинг илғор амалиётлари” мавзусидаги давра суҳбатида;

- Молдова Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этдилар.

Юқоридаги тадбирларда иштирок этиш натижасида, МСК вакилларининг қатор ривожланган демократик хорижий давлатлар сайлов қонунчилиги ва илғор тажрибаси билан яқиндан танишишига, ўз навбатида

сайловни ташкил этиш ва ўтказишда календарь режалар лойиҳасини мукамал ишлаб чиқиш, муддатларни ҳисоблаш, сайлов кампаниясини матбуотда ёритиш, дезинформацияга қарши курашиш, сайлов жараёнларига инновацион технологияларни татбиқ этиш, гендер тенгликни, имконияти чекланган шахсларнинг сайлов жараёнларида тўсиқларсиз иштирок этишини таъминлаш, сайлов кампаниясини молиялаштириш, харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва самарали сарфланишини таъминлаш, таваккалчилик ва кутилмаган ҳолатларда тезкор қарор қабул қилиш, сайловларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнлари билан боғлиқ масалаларда билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга эришилди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари хорижий мамлакатларда ташкил этилган халқаро тадбирларда долзарб мавзулардаги маърузалар билан иштирок этиб, тадбир иштирокчиларига, жумладан хорижий ҳамкорларга – Ўзбекистон Республикаси миллий сайлов қонунчилигининг халқаро сайлов стандартларига мувофиқлиги ва ўзига хос хусусиятлари; мамлакатда демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиёти, сайлов жараёнларида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликнинг таъминланиши ва унинг ёритилиши; кузатувчиларнинг тавсияларини миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этилиши каби муҳим масалалар билан бир қаторда, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик, инсонпарвар ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусидаги ахборотларни тақдим этдилар.

**V. Ўзбекистон Республикаси референдумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда референдум ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш йўналиши.**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари Котибият мудирлари ва ходимлари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва бошқа аъзоларининг малакасини ошириш мақсадида **“Бўшаб қолган ўринларга маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловини ўтказишнинг долзарб масалалари”** мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Аппарати раҳбари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари Котибияти мудирлари (*жами 844 нафар*) иштирок этди.

Сайлов ташкилотчиларини мунтазам равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилиб, таҳлилий маълумот тайёрланди. Натижада Комиссия ўқув маркази фаолиятини мақбуллаштириш, замонавий ўқув технологияларини ҳамда доимий ўқув тизимини жорий этиш бўйича

асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу таклифлар Марказий сайлов комиссияси тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг лойиҳасида ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида юзага келган муаммолар, камчиликлар таҳлил қилинди, умумлаштирилди, уларни бартараф этиш бўйича таклиф, тавсия ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва тадбирлар сайлов ва референдум қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётида, шунингдек сайлов ва референдум иштирокчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этишда қўллаш учун асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил 28 июндаги “Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақида”ги 1173-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ўқув-амалиёт машғулотларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика, вилоят ва туман штаблари ташкил қилинди;

- Давлат бошқарув академияси, Бош прокуратура академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ва Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди;

- референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг референдум қонунчилиги ва овоз беришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича билимини оширишга қаратилган семинар-тренингларнинг ўқув дастури, ўқув-услубий материаллари ишлаб чиқилди ва тўплам шаклида нашр этилди;

- Давлат бошқарув академиясида мамлакатимизнинг нуфузли 14 та олий ўқув юртларидан танлаб олинган 104 нафар республика тренерлари учун семинар-тренинг ва амалий машғулотлар ўтказилди;

- республика тренерлари томонидан барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳарда 966 нафар ҳудудий тренерлар учун семинар-тренинглар ўтказилди;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **966 нафар** ҳудудий тренерлар томонидан **30 475 нафар** референдум ўтказувчи участка комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари ва комиссия котиблигига номзодлар учун семинар-тренинглар ўтказилди.

- “Референдум қонунчилиги ва амалиёти” бўйича тайёрланган **1 400** дана ўқув-амалий қўлланма барча ҳудудлардаги **966 нафар** ҳудудий тренерлар, 14 та вилоят штаби аъзолари, 208 та туман (шаҳар) штаблари вакилларига етказиб берилди.

Семинар-тренинглarda иштирокчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан қўйидаги 4 та:

- “Референдум ўтказувчи участка комиссияси учун ажратилган бино ва уни жиҳозлаш тартиби”;

- “Референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан муддатдан олдин овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби”;

- “Референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан референдум куни овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби”;

- “Референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш натижаларини аниқлаш тартиби” мавзусида услубий видео роликлар тайёрланди. Ушбу видео-роликлар семинар-тренинг жараёнининг амалий машғулотларида тингловчиларга тақдим этилди.

Референдум қонунчилиги ва амалиёти бўйича тайёрланган 33 000 донa ўқув-амалий қўлланма Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳудудий штаблар орқали семинар-тренингларнинг асосий тингловчилари бўлмиш – референдум ўтказувчи комиссиялар раиси, раис ўринбосари ва комиссия котиблигига номзодларга етказиб берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Referendum 2022” мобил иловаси яратилди (мобиль иловасага маъруза матни, назорат саволлари, кейслар, тақдимотлар, тестлар, видео-дарслар, видео-роликлар ва референдум қонунчилигига оид бошқа материаллар, МСК қабул қилган низомлар ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилди) ва ишга туширилди. Ушбу мобиль илова ҳудудий тренерлар орқали семинар-тренинглар барча иштирокчиларига етказилди.

МСК томонидан юқори малакали экспертлар ҳамкорлигида тайёрланган **“Референдум қонунчилиги ва амалиёти”** бўйича ўқув-амалий қўлланма, **“Referendum 2022”** мобил иловаси ҳамда тўртта мавзудаги **видеороликлардан** семинар-тренинглarda ҳамда ундан бўш вақтларда тингловчиларнинг мустақил равишда фойдаланишлари натижасида уларнинг сайлов ва референдумни халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик асосида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга оид эгаллаган назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада мустаҳкамланишига эришилди.

Белгиланган режа-жадвал асосида ташкил этилган ўқув жараёнларини ўз вақтида, сифатли ва самарали олиб борилиши МСК аъзолари томонидан жойларга чиққан ҳолда доимий равишда мониторинг қилиб борилди, ўз навбатида семинар-тренинглар ташкилотчилари, иштирокчилари ва тингловчиларига ўқув-услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

**VI. Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналиши.**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг иш режасига асосан 2022 йил биринчи ярим йилликда **Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида**, иккинчи ярим йилликда **Бухоро, Навоий, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларида** халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган ўринларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиёти, шунингдек, сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолати ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Ўрганиш Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳ томонидан режа-жадвал ва саволнома асосида вилоят, туман ва шаҳар даражасида қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди:

- вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг шаклланиши, уларнинг сифат таркиби, аъзоларининг малакаси ва тажрибаси;

- бўшаб қолган ўринларга сайловларни тайинлаш, уларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиёти, бунда қонунчилик талабларига амал қилиш ҳолати;

- сайлов комиссияларининг мустақиллик, адолатлилик, коллегиялик, очиқлик ва ошкоралик принципларига мувофиқ фаолият олиб боришлари учун яратилган шароитлар, моддий-техник таъминоти;

- маҳаллий Кенгашларга сайловларни ўтказишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва иш юритиш ҳолати;

- сайлов комиссияларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати;

- вилоят, туман ва шаҳарларга сайловларни ўтказиш учун марказлашган ҳолда етказиб берилган сайлов жиҳозларини ҳисобини юритиш ҳамда уларни сақлаш учун яратилган шароитлар.

Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи маҳаллий Кенгашларнинг котибият мудирлари, сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, ҳокимликларнинг ташкилий-кадрлар гуруҳлари масъул ходимлари иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганишни ташкил этди. Бунда ишчи гуруҳи томонидан маҳаллий Кенгашларнинг ва сайлов комиссияларининг сайловларга оид ҳужжатлари, фаолияти учун яратилган шароитлар ўрганилди, шунингдек тегишли масъуллар билан суҳбатлар ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни имкон қадар бартараф этиш учун ҳудудий масъулларга ишчи гуруҳи томонидан услубий ёрдам берилди. Зудлик билан ҳал этиб бўлмайдиган камчилик ва ноаниқликларни бартараф этиш бўйича ҳар бир ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар) кесимида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этишга масъул бўлган шахслар ва муддатлар аниқ белгиланди. Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг котибият

мудирлари, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари раиси, ўринбосари ва котиблари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар ва услубий кўрсатмалар берилди.

## **VII. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш йўналиши.**

Марказий сайлов комиссиясига 2022 йилда жами 286 та муурожаат келиб тушди. Шундан 225 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали, 61 таси фуқаролар томонидан бевосита ташкилотнинг ўзига юборилган муурожаатлар бўлиб, уларнинг 49 таси ёзма, 9 таси оғзаки ва 3 таси Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайти орқали юборилган электрон муурожаатдан иборат. Барча муурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясига ҳисобот даврида келиб тушган жами 286 та муурожаатдан 16 та муурожаат муаллифига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Сайлов кодексининг тегишли моддаларига асосан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Жисмоний шахслардан келиб тушган 249 та муурожаатни мазмунан кўриб чиқиш Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган давлат органлари, ташкилот ва муассасаларга тааллуқлилиги бўйича юборилди. МСКга бевосита тааллуқли бўлган 12 та муурожаат ижобий ҳал этилди. 9 та муурожаат муаллифининг илтимосига биноан, яъни муаллифнинг такрорий юборилган муурожаатида янги ҳолат келтириб ўтилмаганлиги, у билан ўтказилган суҳбат чоғида муаллиф ушбу муурожаатини кўрмасдан қолдиришни сўраганлиги сабабли муурожаатни кўриб чиқиш тугатилди. Ҳисобот даврида жисмоний шахслардан келиб тушган бирорта ҳам муурожаат рад этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ва аъзолари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвали ишлаб чиқилиб, мазкур жадвал асосида МСК раҳбарияти ва аъзолари, Котибият ходимлари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қабули мунтазам равишда ўтказилмоқда.